

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУМИЙ ФИЗИКА КАФЕДРАСИ

**ШЕРМАТОВ САНЖАРНИНГ 5140200-“Физика” таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун
“ЕР ТИПИДАГИ САЙЁРАЛАРНИНГ ФИЗИК ТАБИАТИ”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Рахбар:

Проф. Мамадазимов М

“Умумий физика”

кафедрасининг _____

йиғилиши қарори билан

ҳимояяга тавсия етилди

Кафедра мудири:

Ш.К.Ниёзов

ГУЛИСТОН – 2015 й.

Мундарижа

Кириш.....	3
1. БОБ. Ер типидаги сайёralар ҳақида умумий маълумот.	12
1.1. Меркурий-қуёшга энг яқин сайёра	14
1.2. Венера-севги худоси.....	22
1.3. Ер –планета.....	31
1.4. Марс-қизил сайёра	54
2. БОБ. Ер типидаги планеталар-космос асри нигохида.....	60
2.1. Меркурий-космик аппаратлар нигохида.....	60
2.2. Венерани-космик аппаратлар ёрдамида ўрганиш.....	64
2.3. Ерни ички ва ташқи тузилиши.....	71
2.4. Марс XXI асрда космик аппаратлар	77
3. БОБ. Ер типидаги планеталарни АЛ ва КХК ўрганиш юзасидан методик тавсиялар.....	92
3.1. Ер типидаги планеталар. Физикасини ўрганишда кўрсатмалилик.....	92
3.2. Ер-хаммамиз учун ягона уй ёки ерни ўрганишнинг экологик жихатлари.....	98
Хулоса	103
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	104

К и р и ш

Хозирги кунда Республика миз ўрта маҳсус, қасб- ҳунар таълими тизимида фанларни ўқитиши тизимиға туб сифат ўзгаришларига олиб келувчи замонавий методик ёндашувлар татбиқ этилмоқда. Натижада ўрта маҳсус, қасб- ҳунар таълими тизимида фан дастурлари, асосий дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа методик адабиётларни замонавий талаблар асосида янгиланмоқда. Бу эса академик лицей ўқувчиларининг умумтаълим фанларидан ўзлаштиришларини яхшилашга, ўқитувчиларнинг қасбий малакаларини узлуксиз ошириб боришига эришишга ҳамда ўқитиши замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш олиб келмоқда. Фанларни ўқитишида инновацион ёндашувлар, яъни ривожланган давлатларда кенг татбиқ этилаётган, замонавий педагогик технологияларга асосланган таълим тизими яратилмоқда. [1-11]

1. Мавзунинг долзарблиги. Ўқув жараёни сифатини оширишга нисбатан қўйилаётган асосий талаблардан бири замонавий информацион технологияларга асосланган педагогик технологияларни тадбиқ этишини такомиллаштириш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишда муаллифнинг академик лицейларда физика курсинининг механика бўлимидан мураккаб масалаларни сақланиш қонунларидан фойдаланиб ечиш усулларини замонавий педагогик технологияларни (интерфаол усуллар билан ўқитиши методикаси) қўллаган ҳолда ўқувчиларга ўргатиш тўғрисидаги фикрлари, таклифлари баён этилган. Академик лицейларда ўқувчиларга физикавий масалаларни ечишга ўргатиш ва шу асосда уланинг физикадан билимларини ошириш мавзусидаги тадқиқотлар долзарб ва ўз вақтида қўйилган илмий методик ишлар ҳисобланади.

2. Ишнинг мақсади ва вазифалари: Битирув малакавий ишда куйидаги мақсад ва вазифалар қўйилган:

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади академик лицейлар ўқувчилариға физика курсининг механика бўлимида динамикага оид масалаларни импульс ва энергиянинг сақланиш қонунлари асосида ечишни ўргатиш, ўқувчиларда мустақил масала ечиш қобилиятларини ривожлантиришни тадқиқ этиш ва тегишли таклифлар тайёрлашдан иборат.

Асосий вазифалар:

- Академик лицейларда асосий адабиётлар бўйича физика курсининг механика бўлимининг динамика қисми мазмунини қисқача таҳлил қилиш, анъанавий ўқитиши методикаси асосида масала ечиш дарсларини ташкил этиш ва замонавий педагогик технологияларга асосланган ўқитиши методикаси асосида масала ечишни ташкил этиш усулларини ўзаро таққослаш, таҳлил қилиш ва амалий дарсларни кичик гурухларда ўқитиши услуби асосида ташкил этиш самарадорлиги тўғрисида методик фикрларни ўрганиш.
- Академик лицейларда механика бўлимининг динамика қисмидан амалий, масала ечиш машғулотларини замонавий педагогик технологияларга асосланган интерфаол усуллардан фойдаланиб ташкил этиш методикасига оид таклифлар тайёрлашдан иборат.

3. Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар

Академик лицейлар механика бўлимида масала ечиш дарсларида, ўқувчиларга мураккаб динамик масалаларни сақланиш қонунлари асосида ечиш дарсларини интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтказиш методикасига, машғулотларда ўқувчилар фаоллигини ошириш ҳамда уларни кичик гурухларда, ҳамкорликда таълим олишга ўргатиш ва машғулотларни ташкил этишда ўқитувчига қўйиладиган талаблар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган, натижалар олинган, таклифлар тайёрланган.

4. Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишда олинган натижалар академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ёш ўқитувчиларга физика курсининг механика бўлиминдан амалий машғулотларни ўтказишида фойдаланиш учун тавсия этилади.

5. Битирув малакавий иш. 3 та боб, 7 -та параграфдан иборат, жами – 55 бетдан иборат. Адабиётлар рўйҳатида – 22 та адабиёт келтирилган.

1- боб. Академик лицейларда физика курси механика бўлимини динамика қисми мазмунини дарслик ва қўлланмалар ҳамда методик адабиётлар асосида ўрганиш.

1.1. Физиковий масалаларни ечишнинг умумий қонуниятлари.

Академик лицейларда ўқувчиларнинг кўпчилиги физика курсининг назарий қисмларини яхши ўзлаштирган бўлсалар ҳам масалалар ечишда қийинчиликларга дуч келади. Кўпчилик ўқувчилар масалаларнинг шартини ўқиб чиқади, масалани ечишни қандай бошлашни билмаганлигидан қийналади, кўп формула ёzáди, лекин уларни қандай ишлатишни масалани ечиш якунланганми ёки йўқми уни аниқлай олмайдилар.

Албатта физиковий масалаларни ечиш осон эмас, қўпчилик ўқувчилар мавзунинг назариясини яхши билган ҳолда ҳам оддий масалани ҳам ечаолмасликлари мумкин.

Физиковий масалаларни ечиш ўқувчилардан мавзу бўйича назарий билимлардан ташқари, умумлашган билимларни эгаллашни ҳам талаб қиласди. Ўқувчиларда физика курсидан масалалар ечиш малакаси умумий ўрта таълим мактабларидан бошлаб, АЛ ва КҲҚ ларда ўқиши жараёнида аста-секинлик эгаллааб борилади. [3-11]

Ўқувчилар масала ечишни ўрганишда биринчи навбатда физиковий масала нима, масалалар ечиш қандай бошланади ва ечиш жараёни қандай якунланади каби саволларга тўлиқ жавоб топишлари керак.

Ўқувчилар учун масала ечишда зарур бўладиган умумлашган билимлар асослари умумий ўрта таълим мактабларида, АЛ ва КҲҚ ларда узвийлик ва узлуксизлик асосида сингдирилади ва улар физиканинг методологик характердаги фундаментал тушунчалари ҳисобланади.

Физиканинг масала ечиш усуулларини ўрганишда кенг фойдаланиладиган фундаментал тушунчаларига қўйидагилар киради: Физиковий система,

физикавий катталик, физикавий қонун, физикавий системанинг ҳолати, ўзаро таъсир, физикавий ҳодиса, идеал объектлар ва идеал жараёнлар, физикавий моделлар.

Физикавий масалаларда бериладиган физикавий ҳодисаларда қандайдир боғланишлар ва катталиклар номаълум бўлади, физикавий масалаларни ечишда бу номаълум боғланишларни қайта тиклаш ва номаълум физикавий катталикларни аниқлаш талаб этилади. [7]

Физикавий масала қандайдир физикавий ҳодиса ёки ҳодисалар тўпламини ифодалаган ҳолда ҳам фақат шу физикавий ҳодиса ҳақида тасаввурга эга бўлиш масалани ечиш учун етарли эмас, улардан ташқари умумлашган билимлардан фойдаланган ҳолда физикавий ҳодисаларни таҳлил этиш усувларини билиш ҳам талаб этилади.

Ҳодисаларни таҳлил этиш эса физикавий системаларни танлаш ва таҳлил этишдан бошланади ҳамда мос физикавий қонунларни татбиқ этиш натижасида ёпиқ тенгламалар системасини тузиш билан якунланади. Масалаларни ечиш жараёнини шартли равишда 3 этап(босқич)га ажратамиз :

Физикавий босқич - бу босқич ёпиқ тенгламалар системасини тузиш билан якунланади,

Математик босқич- бу босқич эса ёпиқ тенгламалар системасининг умумий ечими ва уни сонли қиймат кўринишига келтириш билан якунланади,

Ечимларни таҳлил этиш босқичи- бу босқичда олинган ечимларни таҳлили ўтказилади.

Физикавий масалаларни ечиш учун умумий метод ишлаб чиқилмаган, лекин ихтиёрий физикавий масалаларни ечишга нисбатан умумий (ягона) ёндошувлар мавжуд.

Ихтиёрий физикавий масалаларни ечишга йўналтирган ягона ёндошувлар ҳам физиканинг фундаментал тушунчаларига асосланади. [7,22]

1. **Физикавий система**- бу физикавий объект (жисм) ёки объектлар (жисмлар) тўплами. Ихтиёрий физикавий масалани ечиш қандайдир

физикавий системани ўрганиш билан боғланган, физикавий системани танлаш ва тадқиқ этиш масаланинг физикавий моҳиятини таҳлил этишдан бошланади. Физикавий объектлар қандайдир физикавий ҳоссаларга эга ва улар ҳар ҳил физикавий жараёнларда иштирок этадилар; физикавий объектларнинг ва жараёнларнинг ҳоссаларини ҳарактерлаш учун ҳар ҳил физикавий катталиклар киритилади.

2. **Физикавий системанинг ҳолати**- ихтиёрий физикавий системанинг ҳолати тушунчаси нисбатан мураккаб. Масалан: Физикавий система битта заррадан иборат бўлса, унинг меҳаник ҳолати 6 та катталик билан аниқланади: 3 та координата (x, y, z), импульсининг 3 та ташкил этувчиси (p_x, p_y, p_z). Физикавий системанинг таркибидаги жисмлар ўзаро боғланган. Бу умумий боғланиш, физикавий объектларнинг энг муҳим ҳоссаси бўлган ўзаро таъсир эса, уларнинг ички табиатидан келиб чиқади. [7,22]

Физикада ўзаро таъсирнинг 4 та асосий кўриниши қаралади: кучлик, электромагнит, кучсиз ва гравитацион. Механика бўлимидан масалалар ечишда кучлик ва кучсиз ўзаро таъсирлар умуман қаралмайди.

Ўзаро таъсир физикавий системанинг ўрни ёки ҳолатини ўзгартириши мумкин. Физикавий системанинг ўрни ёки ҳолатининг ўзгариш жараёни физикавий ҳодиса дейилади.

Физикавий ҳодисалар таҳлили физикавий системаларни танлаш ва тадқиқ этишдан бошланади.

Система таркибидаги физикавий объектларни таҳлил этиш жараёни, уларнинг қандай идеал объектларга мослиги, қандай ҳоссаларга эгалиги, қандай жисмлар билан таъсирлашиши мумкинлиги, ўзаро таъсирларнинг моҳияти, натижаси ва оқибатини аниқлаш билан боғланган.

Ўзаро боғланган физикавий катталикларнинг ўзгариши физикавий ҳодисаларни ифодалайди.

Физикавий катталиклар орасидаги боғланиш зарурый ёки турғун боғланишлар бўлади ва улар физикавий қонунлар орқали ифодаланади.

Физикавий қонунларнинг 2-та ўзига ҳос томони: яъни қонуннинг қўлланилиш методи ва қўлланилиш шартлари (чегаралари) эътиборга олинади.

Ҳар қандай физикавий қонун нисбий бўлиб, маълум шартлар, яъни физикавий қонуннинг қўлланилиш шартлари бажарилганда ўринли бўлади. Шартлардан бирортаси бажарилмаган ҳолда қонунни қўллаш мумкин эмас.

Масалан: Ньютоннинг 2 қонуни

$$F = ma \quad (1.1.1.)$$

куйидаги шартлар бажарилган ҳолда ўринли бўлади.

- а) Жисмнинг ҳаракати инерциал саноқ системасига нисбатан ўрганилади.
- б) Жисм - моддий нуқта ёки моддий нуқталар системаси сифатида тасаввур қилинади. Ушбу шартларнинг бирортаси бузилган ҳолда Ньютоннинг 2 қонунини (1.1.1) кўринишида қўллаш мумкин эмас.

Физикадан масалалар ечишда мос қонунни билишининг (физикавий маъноси; қўлланилиш шартлари ва ҳ.к.) ўзи етарли эмас, яъни ҳар бир қонун учун уни қўлаш методи (алгоритми) мавжуд. [7,22]

Масалан: Ньютоннинг 2 қонунини (1.1.1.) кўринишида тўғри ёзиш учун қуийдагиларни амалга ошириш зарур.

1. Қонуннин қўлланилиши бўйича шартларнинг бажарилишини текшириш.
2. Инерцал саноқ системасини танлаш.
3. Қаралаётган жисмга таъсир қилаётган ҳамма кучларни аниқлаш.
4. Ҳамма кучларнинг координата ўқларига проекцияларини аниқлаш.
5. Координата ўқларига нисбатан ҳамма кучларнинг проекцияларининг алгебраик йиғиндисини аниқлаш.
6. Ньютоннинг 2 қонунини учта тенгламалар системаси кўринишида ёзиш.

$$\sum F_x = ma_x, \quad \sum F_y = ma_y, \quad \sum F_z = ma_z \quad (1.1.2.)$$

Бу ерда a_x, a_y, a_z , лар тезланиш векторининг OX, OY, OZ ўқларга проекциялари.

Фарқ қилайлик, масалада зарурий маълумотлар берилган ва қандайдир номаълум физикавий катталикларни топиш талаб этилади. Масалада соддалаштирувчи бир қанча қўшимча шартлар киритилган, яъни масала идеаллаштирилган. Соддалаштирувчи шартларнинг киритилиши, берилган физикавий ҳодисанинг бошқа ҳодисалар билан боғланишини сунъий ҳолда узуб қўяди. Ундан ташқари масалада кичик қўшимчаларни эътиборга олинмаслиги ҳам фараз қилинади.

Шундай қилиб, қўйилган физикавий масала- “тоза” ва “идеаллаштирилган” физикавий ҳодиса ҳақидаги масала ҳисобланади.

Реал объектлар ва ҳодисалар жуда мураккаб ўзаро боғланишларга эга бўлганлиги сабабли уларни ўрганиш ва миқдорий таҳлил этиш жуда катта математик қийинликларга олиб келади. Физиканинг фан сифатидаги жуда муҳим белгиларидан бири реал физикавий масалаларни пухта ўйланган ҳолда идеаллаштириш ҳисобланади.

Кўп ҳолларда соддалаштирувчи шартлар ва чекловлар масаланинг ўзида берилади ёки масалада ошкор бўлмаган ҳолда берилган бўлади. [7]

Масалан: Снаряд $v_0 = 600 \text{ m/s}$ бошланғич тезлик билан горизонтга нисбатан $\alpha = 45^\circ$ бурчак остида отилган. Снаряднинг учиш (ҳаракатланиш) узоқлигини топинг. Ҳавонинг қаршилигини эътиборга олманг.

Кўйилган масала, идеаллаштирилган, масалани соддалаштирувчи шартлар масала шартида кўрсатилмаган, лекин эътиборга олинган.

- а) Снаряд отувчи қурол, яъни тўп ерда жойлашган.
- б) Ернинг қуёш атрофидаги ҳаракати ҳисобга олинмайди.
- в) Ернинг хусусий ўқи атрофидаги ҳаракати ҳисобга олинмайди.
- г) Эркин тушиш тезланиши вектори \vec{g} снаряднинг ҳаракат траекториясининг иҳтиёрий нуқтасида бир ҳил йўналишга эга деб фараз қилинади.
- д) Ерда эркин тушиш тезланиши $g = 9,8 \text{ m/s}^2 = \text{const}$ деб ҳисобланади.

Берилган масалада б, в, г, д бандларнинг таъсири жуда кичик, ҳақиқатда уларни эътиборга олмаслик мумкин. Агар Ерни шар деб

хисобласак, у ҳолда \vec{g} тезланиш вектори траекториянинг ҳар ҳил нуқталарида ҳар ҳил йўналишга эга бўлади ва масала мураккаблашади. Агар қўшимча шартларнинг ҳаммасини эътиборга олсак масалани ечиш жуда мураккаблашади.

Ҳар ҳил масалаларда соддалаштирувчи шартлар ҳар ҳил бўлади, лекин масалани идеаллаштиришда умумий ҳол сифатида унчалик мухим бўлмаган иккинчи тартибли боғланишлар ва ўзаро таъсирларини ҳисобга олмасликни тушунамиз.

Боғланишларни эътиборга олмасликни ифодаловчи критерия (меъзон) ларни аниқ билиш зарур, бу эса масала ечимини таҳлил қилиш ва баҳолаш усулари билан боғлик.

Физикавий масалаларни ечишда одатда идеаллаштириш усулидан фойдаланилади, кўп ҳолда идеаллаштирилган объектлар киритилади.

Физиканинг механика бўлимида кўп қўлланиладиган усулни қарайлик:

1. Идеал физикавий объектларни киритиш,
2. Мухим бўлмаган ўзаро таъсир ва жараёнларни эътиборга олмаслик.

Физикавий масалаларни идеаллаштиришда кўп ҳолда идеаллаштирилган объектлардан фойдаланилади .

Физиканинг механика бўлимида куйидаги 2 та объект кўп қўлланилади.

1.Моддий нуқта. Бу фундаментал ва универсал физикавий объект. Моддий нуқта сифатида одатда геометрик ўлчамлари, масалада қаралаётган характерли масофага нисбатан эътиборга олинмайдиган жисм тушинилади.

2.Абсолют қаттиқ жисм. Бу идеаллаштирилган объектда жисмнинг деформациялари эътиборга олинмайди.

Идеаллаштиришнинг 2- усулида кам эътиборли физик жараёнлар ёки ҳодисалар ва ўзаро таъсирлар ҳисобга олинмайди.

Идеаллаштириш ва соддалаштириш асосида физикавий масалаларда реал физикавий ҳодиса ўрнига унинг схематик модели қаралади.

Физикавий масаланинг ечимини аниқ топишда, моделнинг тўғри танланишининг ахамияти катта.

Физикавий ходисаларни классификациялашда ходисаларни иккита модели қаралади. [7,22]

1. **Классик модель**- классик физикавий ходисалар модели.

2. **Квант модель**- квант физикавий ходисалар модели.

Бити्रув малакавий ишда факат классик модельга, яни классик физикавий ходисалар моделига асосланган масалаларга эътибор қаратилади.

Хар ҳил объектларни турли белгилар бўйича классификациялаш мумкин. Мукаммаллашган классификация- бу эътиборга лойиқ белгилар бўйича классификациялаш ҳисобланади. Физикавий масалаларни ечишда ҳам эътиборга молик белгиларни ажратиб олиш талаб этилади.

Ўқувчиларга физикавий масалаларни ечишни ўргатишда аввало физикавий масала моҳияти ва масаланинг ўзига ҳос белгиларини, физикавий масалани ечишнинг маъноси, мазмунини аниқлашга кўпроқ эътибор қаратилади.

Бирорта физикавий ходисани ўрганишда, шу ходисани ҳарактерловчи катталиклар аниқ берилган бўлса, хеч қандай масала ҳосил бўлмайди. Физикавий ходисаларни ўрганиш жараёнида, айрим физикавий катталиклар баъзи бир сабабларга кўра ноаниқлигича қолган бўлса, ўзига ҳос масала ҳосил бўлади.

Физикавий масала- бу физикавий ходисани аниқловчи, ҳарактерловчи маълум ва номаълум физик катталикларга эга бўлган сўз билан ифодаланган модели ҳисобланади. [7,8,14,15]

Физикавий масалани ечиш— бу номаълум боғланишларни ҳамда физикавий катталикларни топиш ҳисобланади.

1. Физикавий масалаларни классификациялашнинг биринчи усули номаълум катталикларни аниқлаш методларнинг фарқланишига асосланган.

2. Иккинчи усули ҳар бир физикавий масалада ифодаланган мазмунни ҳисобга олишга асосланган.

1.2. Физика масалаларини ечиш кетма кетлиги. [7-15,22]

Академик лицейларда таълим йўналишлари бўйича ўқув режасидаги асосий фанлар қатори физика курсини ўқитишида ўқувчиларга масалалар ечишга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилганлиги сабабли, умумий ўқув соатининг 25-30 % масалалар ечишни ўргатишга ажратилади. Физикавий масалаларни ечиш ва ёнимларни таҳлил этиш физиканинг асосий қонунлари ва формулаларини яхши тушинишга ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва қўлланиш чегаралари тўғрисида яхши тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Физикавий масалаларни ечиш малакаси ўқув дастурига кирган ўқув материалларини чукур ўзлаштирганликнинг асосий аниқлаш критерияси (меъзони) ҳисобланади.

Ҳар бир физикавий масаланинг асосида табиатнинг бир ҳки бир неча фундаментал қонунларининг у ёки бу маънодаги хусусий кўриниши ўз ифодасини топади. Физикавий масалаларни ечишга киришишдан аввал ушбу саволга тегишли назарий материалларни диққат билан ўрганиш ва уни тадбик этиш малакасини орттириш зарур бўлади.

Ҳисоблаш ҳарактерига эга бўлган масалаларни ечишни шартли равишда тўртта этапга ажратамиз.

1. Масаланинг шартини жиддий таҳлил қилиш ва тегишли чизма ва схемалар ёрдамида кўргазмали ифодалаш.

2. Масалада қаралаётган ҳодисаларни миқдорий ҳарактерловчи физикавий катталикларни ўзаро боғловчи тенгламаларни тузиш.

3. Берилган масала шартида номаълум ҳисобланган у ёки бу катталикларга нисбатан тенгламалар системасини биргаликда ечиш.

4. Масалани математик ҳисоблаш ва натижаларни таҳлил этиш.

Масалада акс эттирилган физикавий жараёнларни ифодаловчи тенгламалар тузиш, физик катталикларнинг вектор ёки скаляр катталиклар эканлигига эътиборни қаратиш керак.

Масалалар дастлаб умумий ҳолда ёки ҳарфлар билан белгиланган кўринишида ечилади, бу масаланинг асосида ётувчи физикавий қонунларнинг тўғри ифодаланганини текширишга имконият беради.

Масала шарти билан танишиб чиқилади, ечишнинг энг қисқа ва оптимал усули танланади, тегишли формулалар ёзилади ҳамда масала ечишнинг физикавий ва математик этапларидағи ишлар бажарилади.

Масала шартини яхшироқ тушиниш мақсадида схематик чизма тайёрланади, масаланинг чизмаси уни ечишни бир мунча осонлаштиради.

Физикавий қонунлар асосида масаладаги катталиклар орасидаги математик боғланиш ўрнатилади. Натижада бир ёки бир нечта тенгламадан иборат система ҳосил қилинади ва уларни ечиб масалада қидирилаётган катталиктининг сон қиймати аниқланади. Бу катталикларнинг ўлчов бирликлари СИ системасида аниқланади. Шу асосда масала ечилади.

II боб. Замонавий педагогик технологиялар ва уларни физикавий масалалар ечиш машғулотларида татбиқ этиши.

2.1. Ўқитишининг анъанавий услуби ва унинг афзаликлари ва асосий камчиликлари тўғрисидаги фикрлар. [11-16]

Фанларни ўқитиши методикаси соҳасидаги мутахассислар анъанавий ўқитиши тизимида умумий тушунчалар, қоида ва қонуниятларга кўпроқ эътибор қаратиладиган “билимий” ёндашувнинг кўп кўлланилиши ҳамда ўқув материалларини ўрганишда одатда ўқувчи томонидан ўқув маълумотларининг катта ҳажмини ўзлаштирилишига кўпроқ аҳамият берилишини танқид қиласидилар

Сўнги ўн йилликлардаги методик адабиётларни таҳлилида фанларни ўқитишида анъанавий ўқитиши усули билан замонавий ўқитиши усулларни таққослашда уларни бир-бирига зид қўйиш ҳоллари кўп учрайди. Анъанавий ўқитиши усулининг қуидаги асосий хусусиятларига эътиборни қаратамиз. [9,10]

Дарсда ўқитувчининг ўқувчиларга ўргатадиган ўқув материалларининг деярли ҳаммаси оғзаки тарзда, баъзан имкониятлар мавжуд бўлганда кўргазмали материаллар асосида баён қилинади.

Ўқувчилар ўқув фанлари бўйича дарсликларни мустақил дарс тайёрлаш жараёнида ишлатади.

Ўқитувчи дарсда ўқув материалларини ўқувчиларга тушунтираётганда уларнинг чалғимаслик учун дарсликлардан фойдаланишларига деярли рухсат этмайди, ўқувчилар уйда ҳам дарсда ёзган конспектларидан фойдаланганларни учун, дарсликлардан деярли фойдаланмайдилар.

Ўқитувчи дарсда ўқувчиларнинг билимларини текширишда кўпроқ оғзаки сўровлар ҳамда қисқа муддатли назорат ишларидан фойдаланади, шу сабабли кўп ҳолларда мўлжалланган натижаларга эришаолмайди.

Ўқитишининг анъанавий усулининг энг асосий камчиликларидан бири ўқувчиларнинг пассивлиги хисобланади ва бу камчиликни асосий сабаби эса ўқитиши самарасининг пастлигидир.

Ўқитиши методикаси фанларида қуидаги усуллар ўқитишига анъанавий ёндашувга киритилади. [12-15]

- Информацион – рецептив усул (тушунтирувчи).
- Репродуктив усул.

Информацион – рецептив усулда ўқувчиларга фанлардан билимларни уларнинг қабул қилишига тайёр ҳолда берилади, ўқитувчи томонидан берилган билимлар ўқувчилар томонидан тўла қабул қилинади маъноси англанган ҳолда, хотирада сақлаб қолинади. [12]

Ўқитувчи томонидан билимларни узатиш жараёнида ахборотнинг ҳар хил манбалари (сўз, кўргазмалилик ва бошқалар) татбиқ этилади, лекин ўқувчилар билимларнинг асосий қисмини ўзлаштираолмайдилар.

Дарснинг баёни мантикий, индуктив ҳамда дедуктив йўллар билан амалга оширилади, педагогнинг бошқарув фаолияти, узатилаётган билимларни қабул қилинишини ташкил этиш билан чекланади, ўқитувчи томонидан дарсда билимлардан фойдаланиш маҳорати ва қўникмалари тўла шакллантирилмайди.

Информацион – рецептив усул жуда қўп камчиликларга эга, лекин ўқувчиларга кам куч сарфлаб, билимлар ва қўникмаларнинг маълум бир қисмини ўзлаштиришга имконият яратиб бераолади, ўқувчилар томонидан билимлар қўп марта такрорлаганлиги сабабли билимларнинг ўзлаштирилиш мустаҳкамлиги нисбатан юқорироқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки академик лицейларда фанларни ўқитиши методикасида ёндошув кўпроқ анъанавий бўлганлигидан, асосан ўқитувчи томонидан маълумотларни бериш, ўқувчилар хотирасида қабул қилиб олинган билимларни жамғариш ва мустаҳкамлаш каби цикллардан иборат бўлади.

Фанлар бўйича якуний назорат яъни имтиҳонларда ўқувчиларнинг билими берилган саволларга ҳеч қандай қўлланмаларсиз жавоб бериш қобилиятлари билан баҳоланади.

Таълимнинг репродуктив усулида эса қуидаги хусусиятларга яққол эътибор қаратилади :

- Ўқитувчи дарсда материалларни “баён қилиш билан чекланиб қолмайди, маълум маънода тушунтиради.
- Ўқувчилар дарсда берилган материалларни (маълумотларни) бироз тушиниб ўзлаштиришга ҳаракат қиласди.

Ушбу усулда ўзлаштириш ўлчови сифатида ўқувчилар томонидан билимларни тўғри тиклаш (репродукция) асос қилиб олинади, ўзлаштиришнинг мустаҳкамлик даражаси эса маълумотларни кўп марта такрорлаш ҳисобига таъминланади.

Амалда фойдаланилаётган фанларнинг ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув кўлланмалари, ўқитиш методикаларининг асосий қисми фан бўйича информацияни ўзлаштиришга йўналтирилган. Шундай қилиб, намунавий фаолият усулида тиклаш ва қайтариш репродуктив усулнинг асосий аломатларидан деб ҳисобланади.

Репродуктив усулнинг камчиликларидан бири ўқувчиларда ўйлаш ва фикр юритиш жараёнларининг ривожланишига тўсқинлик қилиши ва уларда ўқиш фаолиятига нисбатан кенгроқ қарашни шаклланишини таъминлай олмасли ҳисобланади.

Академик лицейларда қўйиладиган асосий талаблардан бири ўқувчиларда ижодий шахс сифатларини ривожлантириш ҳисобланади.

Ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш бу уларда муаммолар моҳиятини аниқ кўра билиш, фикр юритишнинг унумлилик, ихтирочилик, сезгирилик каби сифатларини ривожлантиради. Шу сабабли ўқув жараёнида репродуктив усул билан бир қаторда продуктив (самарадор), ижодий-изланувчанлик усулларини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Продуктив (самарадор), ижодий-изланувчанлик усулларининг методик афзалликлари қуидагилардан иборатdir. [12-15]

- Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, муаммоларни илмий, ижодий ечишга интилиш каби ҳислатлар шакллантирилади.

- Ўқувчилар керакли билимларни адабиётлардан мустақил ҳолда ижодий қидиришни ўрганадилар.
- Ўқувчилар адабиётларни ўрганишда, билим олишда ҳар қандай қийинчиликларни енгишга ўрганадилар.
- Ўқитувчи ўқувчиларга ўқув материалини уларнинг истаклари асосида тегишли исботлар билан баён этади.
- Ўқувчиларда ўқув материалини чуқур ва мустаҳкам ўзлаштириш маъсулияти шаклланади.
- Ўқувчиларда ўқишига ижодий интилевчанлик шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Продуктив усул кўп афзалликларга эга бўлса, нима учун ўқитишида тўлиқ шу усулдан фойдаланилмайди деган савол ҳар бир ўқитувчида ҳосил бўлади.

Ушбу саволга жавоб сифатида қуидагиларни келтиришни ва баён этишини маъқул деб ҳисоблаймиз.

- Продуктив усулни универсал усул деб ҳисоблаш мумкин эмас.
- Ўқувчилар учун қийин бўлган ўқув масалаларида ҳам уларга бироз ёрдамлашиб, репродуктив усуллардан фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда таълим беришда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини репродуктив даражадан юқорига кўтараолмайдиган ўқитиши усулларини самарасиз деб ҳисоблаш мумкин.

Демократик услубда ўқитувчининг дарсдаги фаолияти ўқувчилар грухси фикрини эътиборга олган ҳолда ташкил этилади, ўқитувчи ўз мақсадини ҳар бир ўқувчининг онгига етказишга ҳаракат қилиб, ишнинг амалга оширилиш жараёнига ва унинг муҳокамасига ўқувчиларни жалб этади, ўзининг фаолиятида назорат ва бошқаришдан ташқари тарбиялашга ҳам ҳаракат қиласи. Ҳар бир ўқувчи рағбатлантирилганлиги учун, уларда ўзига ҳос ишонч пайдо бўлади, ўқувчиларда ўз-ўзини бошқариш ҳислари ривожланиб боради.

Демократик услугда ўқитувчилар гурухларда ҳар бир ўқувчининг иштиёқи, қобилияти ҳисобга олинган ҳолда ўқув машғулотида юкламалар (вазифаларни) энг оптимал варианtlарда тақсимланади, ташаббускорлик ривожлантирилади. Мулоқатнинг асосий усуллари сифатида маслаҳат ва информация танланади.

Кун тартибига таълим тизимида ўқитиши услубларининг замонавий шаклларини яратиш ва тадбиқ этиши масалалари кун тартибига қўйилади.

Академик лицейларда ўқитувчиларнинг методик маҳорати, ўқитишининг янги, замонавий усулларини ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилади. [12,13]

Ўқитувчиларнинг методик маҳоратини оширишда қўйидаги талабларга эътибор берилади.

а). Ўқитувчининг вазифаси факат ўргатиш бўлмасдан, балки ўқитувчиларни ўрганишга йўналтириш, уларни тарбиялаш жараёнини бошқаришдан иборат.

Демак ўқитувчи ўқитиши жараёнида ўқитишининг интерактив усуллари яъни мунозара (баҳс), кичик гурухлар, жуфтликларда ишлаш, “ақлий хужум” каби усуллардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилиши, ўқитувчиларга мустақиллик ва ташаббускорликни беришга имконият яратиб бериши талаб этилади. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда ўқитиши тизимига замонавий педагогик технологиялар кириб келади.

2.2. Интерфаол усуллар түғрисида қисқача маълумот [12,13].

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим жараёнига илфор, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш ва тадбиқ этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Шу сабабли замонавий педагогик технологияларнинг анъанавий таълим методларидан фарқи ва афзаликлари ҳамда ўзига ҳос камчиликларини алоҳида қараб чиқиш зарур. И.П.Подласийнинг фикрича “Технология яратилгунча шахсий маҳорат хукмронлик қилган. Эртами, кечми шахсий маҳоратнинг мужассам ифодаси, технология бўлган “жамоа маҳоратига” ўз ўрнини бўшатиб беради”.

Агар таълим тизимида ўқитиши сифатининг калити муайян таълим муассасаси ва аниқ бир ўқитувчи шахси деб ҳисобласак, педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш энг аввало ўқитувчи-педагогларни малакасини оширишна талаб қиласди. [12]

Педагогик технологияларни ўзлаштирган ўқитувчилар мазкур усулнинг анъанавий усулга қараганда самаралироқ эканлигини тўла тушунадилар, шу сабабли умумий ўрта таълим тизими ўқитувчилари томонидан педагогик технологияларни ўзлаштирилиши ҳамда амалда тадбиқ этилиши ўқитиши сифатини кескин оширишга имконият яратади.

Педагогик технология- бу ўқитишига ўзига ҳос бўлган инновацион ёндашувдир. Технологик ёндашувда ўқув жараёни аниқ белгиланган ўқув мақсадларига мос ҳолда ишлаб чиқиласди, маҳсус қисмлар (модуллар) га ажратиласди, ҳар бир қисмга тестлар ва бошқа назорат шакллари киритилиши билан мазмунан тўлдириласди.

Таъкидлаш зарурки, замонавий педагогик технологиялар асосидаги ўқитиши, маълум бир ўқув мавзуларини репродуктив усулда, иккинчиларини эса продуктив усулда, бошқаларини эса ижодий изланувчанлик усулларини тадбиқ этган ҳолда ўзлаштирилиши билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, репродуктив босқичда тадбиқ этиладиган педагогик технологиялар методикаси продуктив ва ижодий-изланувчанлик

босқичларидаги педагогик технологияларга ўтишда ўзига хос пойдевор вазифасини бажаради.

Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув лойиҳалаштирилган натижаларга эришиш имкониятини берувчи амалий кўрсатмали тизимда ўз ифодасини топади.

Педаголар технологик ёндашувда ўз олдиларига ўқувчилар берилган материалнинг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишсин эгалланган маълум билимларини тўла амалиётга қўллашни ўргансин деган мақсадни қўяди.

Педагогик технологияда биринчи ўринга ўқувчиларнинг ўқиш жараёнидаги фаолияти қўйилади.

Қўйилган вазифаларни ўлчаш, аниқлаш, ўқитиши қайта такрорлаш имкониятига эга бўлиш учун, ҳар бир мақсадга эришиш мезонини билиш керак, яъни таълим мақсади, унга эришганлик тўғрисида аниқ ҳulosага келиш имкониятига қараб қўйилади. Педагогик адабиётларда вазифалар баъзан идентификацион (идентив) ёки таққосланадиган педагогик (ўқув) мақсадлари деб аталади. [12,13]

Ўқув жараёнининг технологик модели ва унинг муайян тадбиқи инновацион (янгича ёндашув) кўринишига эга ва анъанавий ўқитиши тизимини кескин ўзgartиради.

Педагогик технология асосидаги ёндашувда аниқ мақсадлар қўйилади, баҳолашнинг жорий ва якуний турларидаги вазифалар аниқ ажратилади, режалаштирилган ўқув натижасига аниқ эришишга интилади, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги танланади. Ўқув мавзусини мустаҳкамлаш репродуктив топшириқларни бажариш орқали амалга оширилади, кичик ўқув гурухларида наъмунавий натижаларни ўзлаштиришга йўналтирилган ўзаро текширувлар ташкил этилади. Таълимнинг интерфаол методларини ўқитишига татбиқ этишда қўйидаги услублардан фойдаланилади.

Кичик гурухларда ишлаш [12,13,16].

Кичик гурухларда ишлаш – ўқитувчи томонидан берилган маълум бир топшириқни ҳамкорликда бажариш учун ўқувчиларни кичик гурухларга ажратиб, берилган топшириқнинг ечиш йўлларини ишлаб чиқишини тақоза этувчи методдир. Ушбу метод қўлланилганда ўқувчилар кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва бошқаларнинг нуқтаи – назарларини қадрлашни ўрганади.

Кичик гурухларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади.

Кичик гурухларда ишлаш методи қўйидаги афзаликларга эга, яъни ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга, мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади, вақтни тежаш имконияти мавжуд; ўз-ўзини гурухлараро иш якуни асосида баҳолаш имконияти мавжуд бўлади;

Лойихалаш методи. [12,13,16]

Лойихалаш методи – бу ўқувчиларнинг индувидуал ёки гурухларда белгиланган вақт давомида аниқ мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб борилишидир. У методда ўқувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ҳамда натижаларни баҳолаш жараёнларида тўла иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурухий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гурухининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижаси деб ҳисобланади. Бу жараёнда ўқувчининг вазифаси белгиланган вақт ичida янги фикрларни айтиш ёки бошқа бир топшириқни ечимини топишдан иборат. Ўқувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва ўқувчилардан мавжуд билимларни бошқа вазиятларда ҳам қўллай олишни талаб қиласиган топшириқлари бўлиши керак.

Лойиха янги фикрларни ўрганишга ҳизмат қилиши, назарий билимларини амалиётга тадбиқ этиши, ўқувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши мумкин. Ўқитувчи лойиҳалаш методининг қўллаш учун топшириқларни ишлаб чиқиши; лойиҳа ишини дарс режасига киритиши; топшириқни ўқувчиларни имкониятларига мослаштириб, уларнинг лойиҳа иши билан таништириши: лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминлаши лозим. Лойиҳалаш методи ёрдамида билимларни бериш ҳамда ўқув амалиёти дарслари ўтказиш мумкин.

Ақлий ҳужум методи. [12,13,16],

Ақлий ҳужум ғояларини генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. Ақлий ҳужум методи бирор муаммони ечишда ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклда ўқитувчи томонидан берилган саволга ўқувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Ўқувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга ўқувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага тушунарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки “Пинборд” доскасига (игналар ёрдамида) махкамланади. Ақлий ҳужум методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий мақсадларда қўлланилганда шаҳсни эркин ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий ҳужум методидан фойдаланганда ўқувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, ўқувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Ўқувчиларда ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиши маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрларнинг

баҳоланмаслиги ўқувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун ҳизмат қиласди.

“Ақлий ҳужум” методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Ўқувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда – Янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш масала ечиш дарсларида мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг дарснинг мустаҳкамлаш қисмида ҳам амалга оширилади.

Ақлий ҳужум методининг қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат: 1. Ўқувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини беришлари сўралади.

2. Ўқувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларни билдиришади.

3. Ўқувчиларнинг фикр ғоялари (магнитафон, видеотасма, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади.

4. Фикр ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади.

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

2.3. Муаммоли таълим методи ва методни физикадан масалалар ечиш машғулотларига тадбиқ этиш [12,13].

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида, ҳусусан академик лицейларда ўқитиши жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш тажрибалари шуни кўрсатадики, муаммоли таълим ўқитиши самарадорлигини оширишга, талабаларда мустақил ишлаш кобилиятларини ривожлантиришга катта имкониятлар яратиб беради.

Муаммоли ўқитиши бу дарс жараёнида ўқитувчи раҳбарлигига машғулотларнинг мазмунини эътиборга олган ҳолда муаммоли вазиятлар яратиш ва уларни ҳал этиш бўйича ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ҳаракатини

назарда тутадиган ва оқибат натижада ўкувчиларда ўрганилаётган мавзу бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлайдиган ҳамда ижодий кобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган ўкув машғулотларини ташкил этиш ҳисобланади. [12-13]

Муаммоли ўқитиш ўкувчиларни, атрофимизни ўраб турган табиатни билиш методлари билан таниширади, уларда кўникма ва малакаларни ривожлантиради, асосий физикавий конуниятларни таҳлил этиш, ўрганилган маълумотларни умумлаштириш ва натижавий холосага келиш бўйича кобилиятларни шакллантиради, уларни ўқишига нисбатан қизиқишини кучайтиради.

Ўкувчилар академик лицейларнинг аниқ фанлар йўналишида физика фанида ўрганилган ҳодисаларнинг моҳиятини яхшироқ англашга ва тегишли жавобларни қидириб топишга ўргатилади. Натижада ўкувчиларда физика фанига нисбатан бўлган қизиқишилари ва интилишлари ортади, ўкув материалларини чукур ўрганишга йўналтирилган фаолиятлари кучаяди, физикавий билимларни ўрганишда ўзларига нисбатан ишончлари ва қаттияtlари ортиб боради..

Дарсда ўқитувчи томонидан қўйилган масала шаклидаги муаммоларни ҳал этишда ўкувчилар томонидан турли фаразлар ўртага ўзлари ташланади ва улар ўкувчилар томонидан ҳамкорликда исботланади.

Биз қуйида академик лицейларда физика фанини ҳусусан механика бўлимидан масалаларни энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланиб ечишда муаммоли ўқитиш технологиясини татбиқ этиш бўйича тажрибалар натижалари тўғрисида фикрлашамиз.

Академик лицейларда физика фанидан мавзуларга доир муаммоли вазиятларни ўрганишда ўкувчилар томонидан ўкув материалларини таҳлил қилинишида, асосий эътибор муаммолар таҳлилини ўкувчиларнинг ўзлари амалга оширишига, тўла тушунишига ҳамда баҳолашни билишига қаратилади.

Ўқувчи дарсда ўқитувчи томонидан қандай муаммолар қўйилганлигини ва қўйилган муаммонинг моҳияти нимадан иборат эканлигини тушуниб этиши ва ушбу муаммони ҳал этишда ўзининг ролини ва бундай вазиятда ўзини қандай тутиши зарурлигини тўғри белгилаб олиши керак.

Ўқувчилар физика фанини академик лицейда ўқищдан олдинги таълим муассасаларида ўрганиш жараёнида олган билим ва тажрибаларига ҳамда академик лицейларнинг биринчи курсида физикани ўрганишда олган билимларига асосланиб яратилган муаммоли вазиятни ҳал қилиш бўйича ўзларининг таклиф ва тавсияларини киритадилар.

Ўқитувчи томонидан яратилган муаммоли вазиятнинг сабабларини аниқлайдилар, уларнинг келиб чиқишини тушунган ҳолда уни ечишнинг энг маъқул вариантларини танлайдилар.

Бу ҳолатлар ўқувчиларнинг физика фанидан билим олиш ва ўрганишга нисбатан қизиқишлирини оширибгина қолмай, балки уларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ҳам ривожлантиради.

Физика фани ўқитувчиси томонидан муаммоли вазият шундай яратилиши керакки, бу ҳолда ўқувчиларнинг онгига берилган ўқув материалларида уларга нотаниш бўлган билимлар тўғрисида шундай мазмундаги саволлар туғилсин:

- «Муаммони ўрганиш учун нималарга эътибор қилиш зарур ?
- Ушбу муаммоларни қулай ечиш йулларини қандай излаб топиш мумкин.?»

Ўқувчилар томонидан қўйилган ушбу саволларнинг негизида мавжуд зиддиятларни билдирувчи ва бу зиддиятларни аниқлаш билан якунлашнинг ўзига ҳос мантиқий шакли ётади.

Муаммоли вазиятни тегишли тартибда осон ҳал этишга оид саволларнинг аниқ жавоби номаълум бўлганлигидан, ўқувчилар томонидан уни аниқлашда маълум интеллектуал қийинчиликлар ҳис этилади. [12-13]

Академик лицейларда физика фанидан айрим мавзулар ва бўлимларни ўқитишига муаммоли ўқитиш услубини татбиқ этишда физика ўқитувчисининг фаолияти қуидагиларга йўналтирилиши керак:

- Ўрганилаётган мавзу бўйича ўқувчилар эътиборига етарлича мураккаб муаммоли саволлар (масалалар)ни тақдим этади;
- Ўқувчиларни берилган муаммоли саволларнинг ечимини топишга йўналтиради, уларга тегишли маслаҳатларни беради;
- Ўқувчиларга улар томонидан тақдим этилган ечимларнинг тўғри эканлигини исботлашни таклиф этади;
- Агар ўқувчилар томонидан берилган муаммоли саволнинг ечимлари тўғри топилган бўлса, ўқувчиларга якуний қарор қилишларини тавсия этади;
- Агар ўқувчилар томонидан айтилган ва ёзма тақдим этилган фаразлар ноаниқроқ эканлигини аниқласа, у ҳолда ўқувчилар учун аниқ ечимни топишга яқинлаштирувчи вазиятларни яратишга ҳаракат қиласди.;
- Ўқувчиларни берилган тўғри жавоблар ва тўғри аниқланган ечимлар учун ўқувчиларни оғзаки ва маълум миқдорда балл бериш йўли билан рағбатлантиради ёки ўқувчиларга йўл қўйилган баъзи ноаниқликларни кўрсатади;
- Мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг олган янги билимларини мустахкамлашга йўналтирилган саволларни ўртага ташлайди;
- Ўқувчиларга мавзуни ўрганиш жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллаш бўйича тегишли топширикларни беради.

Академик лицейларнинг аниқ фанлар йўналишида физика фанини ўрганишда муаммоли ўқитиш методини янги билимларини ва тушунча, қоида, қонун, ҳодиса, сабаб-оқибатларга ўзлаштиришда ҳамда мураккаб масалаларни ечиш бўйича амалий дарсларни ўтишда татбиқ этиш мумкин.

**III боб. Академик лицейларда физика курсининг механика
бўлимидан сақланиш қонунларига оид масалалар
ешиш методикаси.**

3.1. Энергиянинг сақланиш қонунини динамик масалалар ешишга

қўллаш. [3,4,7,8,9,14,17-22]

Академик лицейларда физика курсининг “Механика” бўлимида замонавий педагогик технологияларни татбиқ қилган ҳолда динамикага оид масалаларни энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланиб ешиш бўйича амалий машғулотни ташкил этиш ва амалга оширишни қараб чиқамиз.

Масалалар академик лицейлар учун тавсия этилган К.А.Турсунметов, А.А.Узоқов ва бошқ. “Физикадан масалалар тўплами” (Т-2003 йил), ўқув қўлланмасидан ва бошқа методик қўлланмалардан олинган. [3]

Энергиянинг сақланиш қонуни мавзусидан ўтказиладиган амалий машғулотларда, физиковий масалалар мазмуни ва моҳиятига кўра муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни физиканинг энг умумий формулаларидан бўлиб, физиканинг динамика бўлимидағи деярли кўп турдаги масалаларни ешишга имкон беради.

Жуда кўп масалаларда бу tenglama асосий tenglamalardan бири бўлиб, Ньютоннинг иккинчи қонуни ва импульснинг сақланиш қонуни билан бирга берилган ҳодисаларнинг ифодаловчи ёпик tenglamalap системасини ҳосил қиласди. [7,22]

Дастлаб механиканинг асосий масаласини энергетик усул билан ешишни қараб чиқамиз.

Академик лицейларда физика курсининг механика бўлимининг асосий мақсадларидан бири механиканинг асосий масаласини ешиш ҳисобланади.

Механиканинг асосий масаласини динамик ешиш усули жисмга ихтиёрий вақт моментида таъсир этувчи кучларни билишни талаб қиласди.

Реал ўзаро таъсирларда бу кучларнинг қийматлари ҳар доим ҳам аниқ бўлмайди, ана шу ҳолларда энергетик усул қўлланилади. Ундан ташқари

масала ечишнинг энергетик усули динамик усулга қараганда рационалроқ ечимни беради.

3.1.1. масала. Ер сиртидан $h = 0,8 \text{ м}$. баландликда жойлашган баллистик пистолетдан уч марта ўқ узилган: Биринчи марта - юқорига вертикаль, иккинчи марта – пастга вертикаль, учинчи марта горизонтал йўналишда ўқ отилган. Агар уччала ҳолда ҳам снарядларнинг бошланғич тезлиги $v_0 = 3 \text{ м/с}$ га тенг бўлса, снарядларнинг Ер сиртига етиб келган вақтдаги тезликларининг модулини аниқланг. Ҳавонинг қаршилигини эътиборга олманг.

Ечиш.

Масалани 2-хил усул билан, динамик ва энергетик усуллар билан ечилишини кўрсатамиз.

A) Масалани ечишнинг динамик усули:

Ҳар уччала ҳолда ҳам жисмга фақат оғирлик кучи $\vec{F}_t = m\vec{g}$ таъсир қиласди, мос равишда снаряднинг тезланиши: $\vec{a} = \frac{\vec{F}_t}{m} = \vec{g}$

ОУ кордината ўқини юқорига вертикал йўналтирамиз ва ҳар уччала ҳол учун кинематик тенгламаларни ёзамиш: (3.1.1.- расм.)

- 1) Снаряднинг бошланғич тезлиги юқорига вертикал йўналган, шу сабабли

$$g_y = -g, v_{x1} = 0, v_{y1} = v_0 - gt_1$$

$$y_1 = h + v_0 t_1 - \frac{gt_1^2}{2} \quad (3-1-1-1)$$

- 2) Снаряднинг бошланғич тезлиги вертикал пастга йўналган:


$$g_y = -g, v_{x2} = 0, v_{y2} = -v_0 - gt_2$$

$$y_2 = h - v_0 t_2 - \frac{gt_2^2}{2} \quad (3-1-1-2)$$

- 2) Снаряднинг бошланғич тезлиги горизонтал йўналган:

$$g_y = -g, v_{x3} = v_0, v_{y3} = -gt_3$$

$$y_3 = h - \frac{gt_3^2}{2} \quad (3-1-2-3)$$



3.1.1- расм.

Снаряднинг Ер сиртига етиш моментида $y_1 = y_2 = y_3 = 0$ тенг бўлганлиги учун тенгламаларни ечиб, содда алмаштиришлар ўтказиш орқали ҳар учала ҳолда тезликларнинг модули аниқланади. Ҳар учала ҳолда ҳам снарядларнинг тезликлари модули бир ҳил бўлганлигидан

$$v = \sqrt{v_0^2 + 2gh} = 5 \text{ м/с.} \quad (3-1-1-4)$$

Б) Масалани ечишнинг энергетик усули.

Фақат консерватив кучлар (оғирлик кучи) таъсир этаётган “снаряд-Ер” ёпик жисмлар системасига энергиянинг сақланиш қонунини татбиқ этамиз.

$$mgh + \frac{mv_0^2}{2} = \frac{mv^2}{2} \quad (3-1-1-5)$$

Бу тенгламадан снаряднинг ерга тегиши вақтидаги тезлигининг модули снаряднинг бошланғич тезлигининг йўналишига боғлиқ эмас.

$$v = \sqrt{v_0^2 + 2gh} = 5 \text{ м/с} \quad (3-1-1-6)$$

Масалани ечишнинг динамик ва энергетик усулларини ўзаро таққослаш энергетик усулда масала нисбатан осон ва ўқувчиларга тушунарли ҳолда ечилиши кўрсатилади.

3.1.2. масала: Силлиқ горизонтал стерженга ўрнатилган пружинага массаси $m = 0,1$ кг бўлган юк маҳкамланган. Пружинанинг бикрлиги $k = 40 \text{ Н/м}$. Юкни $x_0 = 2 \text{ см}$ масофага тортиб кейин қўйиб юборилган.

Юкнинг максимал тезлигини ва унинг пружинанинг деформацияси $x = 1 \text{ см}$. бўлган вақт моментидаги тезлигини аниқланг?

Ечиш :

Ерга боғланган инерциал саноқ системасига нисбатан ёпиқ бўлган консерватив “Юк-пружина” жисмлар системаси учун механик энергиянинг сақланиш қонунини қўллаймиз ва қўйилган биринчи саволнинг жавобини топамиз.

$$\frac{kx_0^2}{2} = \frac{mv_{\max}^2}{2}; \quad v_{\max} = x_0 \sqrt{\frac{k}{m}}; \quad v_{\max} = 0,4 \text{ м/с} \quad (3-1-2-1)$$

Иккинчи саволга жавоб топиш учун энергиянинг сақланиш қонунини қуидаги кўринишда ёзамиз.

$$\frac{kx_0^2}{2} = \frac{kx^2}{2} + \frac{mv^2}{2}; \quad (3-1-2-2)$$

Бундан;

$$v = \sqrt{\frac{k}{m}(x_0^2 - x^2)}; \quad v = 0,35 \text{ м/с}$$

Синфдаги иқтидорли ўкувчиларга масаланинг давоми сифатида шу масала учун $E(x)$ ва $E_p(x)$ ларнинг координатага боғланиш графикларини чизишни топшириш мумкин.

3.1.3. масала; $v_0 = 25 \text{ м/с}$ тезлик билан харакатланаётган автомобил тўсатдан тормозлана бошлади. Агар шиналарнинг йўлга ишқаланиш коэффициенти $\mu = 0,5$ га teng бўлса автомобилнинг тормоз йўлинин аниқланг.

Ечиш;

Бу ҳолда “Автомобил-Ер” ёпиқ жисмлар системасига ноконсерватив куч-ишқаланиш кучи таъсир қилмоқда, шу сабабли тўла механик энергия сақланмайди. Тўла механик энергиянинг ўзгариш (камайиш) ўлчови ишқаланиш кучининг манфий энергияси ҳисобланади.

$$A_{ishq} = \Delta E_k = E_{k2} - E_{k1} = -E_{k1} = -\frac{mv_0^2}{2}, \quad (3-1-3-1)$$

Иккинчи томондан : $A_{ishq} = -F_{ishq}s$,

$$\text{Ифодаларни тенглаштирамиз: } -F_{ishq}s = -\frac{mv_0^2}{2}$$

Таъсир қилаётган кучларнинг тенглк шартларини ёзамиз:

$$\begin{aligned} F_{ishq} - \mu N &= 0 \\ N - mg &= 0 \end{aligned} \quad (3-1-3-2)$$

Бу тенгламаларни биргаликда ечсак: $F_{ishq} = \mu mg$; F_{ishq} ни юқоридаги тенгламага қўйиб s ни аниқлаймиз.

$$s = \frac{v_0^2}{2\mu g} ; \quad s = 62,5 \text{ м.}$$

Масалани динамик усулда ишласак ҳам шу ечимга бироз мураккаброқ йўл билан келамиз.

3.1.4. масала : m массали тош h баландлиқдан ерга тушмоқда. Тошнинг Ер сиртига етиб келган вақтдаги тезлигини аниқланг.

Ечиш: (1-усул)

Масалаларни ечишда жисмлар системасини танлаш ихтиёрий. Масалани ечишдаги содда усулларни танлаш муҳим, лекин ҳар қандай усулда ҳам тўғри ечимга келиш мумкин. Агар жисмлар системаси сифатида фақат тош танланса, тошнинг Ерга тортилиш кучи ташқи куч ҳисобланади. Жисмнинг энергиясининг ўзгариш ўлчови кучнинг бажарган иши ҳисобланади. Яккаланган тошнинг фақат кинетик энергияси ўзгаради.

$$A = \Delta E_k$$

$$A = F_t s \cos \varphi = F_t h = mgh \quad (3-1-4-1)$$

$$\Delta E_k = \frac{mv^2}{2} \quad (3-1-4-2) \quad \text{бу}$$

ифодалардан:

$$mgh = \frac{mv^2}{2} \quad \text{бундан } v = \sqrt{2gh} \quad (3-1-4-3)$$

Ечиш: (иккинчи усул)

Бу ҳолда жисмлар системаси сифатида “Ер-тош” системасини танлаймиз.

У ҳолда Ер ва тош орасидаги тортишиш кучи ички куч ҳисобланади ва консерватив ҳисобланади. Механик энергиянинг сақланиш қонунини қўллаймиз.

$$E_{k1} + E_{p1} = E_{k2} + E_{p2}$$

$$\text{Ўрнига қўямиз: } 0 + mgh = \frac{mv^2}{2} + 0 : \text{бундан } v = \sqrt{2gh} \quad (3-1-4-4)$$

3.1.5. масала : m массали ўқ шипга осилган M массали қумли яшикга урилади. Ўқ теккандан сўнг яшикнинг мувозанат ҳолатидан максимал оғиши шундай-ки, яшикнинг масса маркази дастлабки ҳолатдан h баландликга кўтарилади. Ўқнинг тезлигини аниқланг.

Ечиш:


Масалани ечишда энергиянинг сақланиш қонунини “Ўқ (урилишгача)-яшик” жисмлар системасига қўйидагича $\frac{mv^2}{2} = (m+M)gh$ (3-1-5-1) қўллаш мумкин эмас, чунки бу системада ўқ ва қумли яшикнинг ноэластик ўзаро таъсирида ҳосил бўлувчи ички ноконсерватив кучлар таъсир қиласи.

Бу ҳолда механик энергиянинг бир қисми ички энергияга айланади.

$$E_{ich} = \frac{mv^2}{2} - (m+M)gh \quad (3-1-5-2)$$

Одатда ўқнинг тезлигини аниқлашни “Ўқ (урилишгача)-яшик” ёпиқ жисмлар системасига дастлаб импульснинг сақланиш қонунини қўллаш керак.

$$mv = (M+m)u \quad (3-1-5-3)$$



3.1.2- расм.

Бу ерда m -үқли яшикнинг урилишдан кейинги тезлиги. Энди механик энергиянинг сақланиш қонунини “Үқ (урелишдан кейин)-яшик” ёпиқ ва консерватив жисмлар системасига (3.1.2- расм) қўллаймиз.

$$\frac{(m+M)v^2}{2} = (m+M)gh \quad (3-1-5-4)$$

Тенгламалар системасини ечиб қўйидаги ифодани оламиз

$$v = \frac{M+m}{m} \sqrt{2gh} \quad (3-1-5-5)$$

Үқнинг тезлигини аниқлашнинг бу методи –баллистик маятник методи дейилади ва амалиётда кенг қўлланилади.

3.1.6. масала. Тош горизонтга нисбатан қандайдир бурчак остида v_1 тезлик билан отилган. Ҳавонинг қаршилигини эътиборга олмаган ҳолда , отилиш нутасидан қандай баландликда тошнинг тезлигининг икки баробар камайишини топинг (3.1.3-расм) ?.

Ечиш.

Академик лицейлар физика курсидаги кўпчилик масалаларни икки усул билан ечиш мумкин:

- а) Динамика қонунлари асосида;
- б) Энергиянинг сақланиш қонуни асосида ;


Қаралаётган масалани энергиянинг сақланиш қонунини татбиқ этган ҳолда ечиш нисбатан осонроқ.

Энергетик баланснинг асосий тенгламасини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (3-1-6-1)$$

Бу ерда; тошнинг (1) ҳолати траекториянинг бошланғич нүктасида, (2) ҳолати эса траекториянинг қидирилаётган баландлигига аниқланади.

Потенциал энергияни хисоблашдаги нолинчи сатҳ сифатида, масала шартига кўра , тошнинг энг пастки ҳолати, яъни отилиш сатҳи ОО қабул қилинади. Тошга фақат оғирлик кучи $m\vec{g}$ таъсир қиласди. (2) ҳолатда h - ОО сатҳга нисбатан тошнинг баландлиги ва \vec{v}_2 - тезлик вектори. Жисмга ташқи кучлар таъсир этмайди. “Жисм-Ер” системасида $m\vec{g}$ -ички куч ва унинг бажарган иши потенциал энергиянинг ўзгариши билан аниқланади. Ташки кучларнинг бажарган иши $A = 0$.



3.1.3-расм.

Тошнинг (1) ва (2) ҳолатларида тошнинг тўла механик энергияси қўйидагиларга тенг.

$$W_1 = \frac{mv_1^2}{2} \quad (3-1-6-2)$$

$$W_2 = \frac{mv_2^2}{2} + mgh \quad (3-1-6-3)$$

A, W_1, W_2 ларни юқоридаги формулага қўйиб, керакли формулани оламиз.

$$0 = \frac{mv_2^2}{2} + mgh - \frac{mv_1^2}{2} \quad (3-1-6-4)$$

Олинган ифодани соддалаштириб қўйидагини оламиз.

$$0 = v_2^2 + mgh - \boxed{\frac{mv_1^2}{2}}$$

$$\text{Масаланинг шартига асосан } v_2 = \frac{v_1}{2}$$

Бу ифодани юқоридагига қўйиб,

$$h = \frac{v_1^2 - v_2^2}{2g} = \frac{3v_1^2}{8g} \quad (3-1-6-5)$$

Масалани ечишда тошнинг отилиш бурчагини ишлатмадик ва масала жавобида ҳам бу катталик қатнашмайди. Лекин $v_2 = \frac{v_1}{2}$ шарт ўринли бўлиши учун $\alpha \geq 60^\circ$ бўлиши керак.. Бу ҳолни мустақил исботлашни тингловчиларга ҳавола қиласиз.


3.1.7. масала. Массаси $m = 1$ кг. бўлган юк $h = 240$ м. бапандликдан қумга тушади ва $s = 0,2$ м. чуқурликга ботади. Агар юкнинг бошланғич тушиш тезлиги $v_0 = 14$ м/с бўлса, тупроқнинг ўртача қаршилик кучини аниқланг. Ҳавонинг қаршилигини эътиборга олманг.(3.1.4.-расм)

Ечиш.

Чизма асосида юк учун энергиянинг сақланиш ва бир турдан иккинчи турга айланиш қонунини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (3-1-7-1)$$

Потенциал энергияни ҳисоблаш учун ОО сатҳни юкнинг энг пастки ҳолатидан танлаймиз



3.1.4.-расм.

Юкнинг эркин тушишида ташқи кучлар таъсир қилмайди (“Жисм-Ер” системасида $m\vec{g}$ -ички куч).

Юкнинг тупроқ ичида кўчишида ташқи куч-тупроқнинг қаршилик кучи \vec{F}_c ҳисобланади. Бу кучнинг бажарган иши $A = -F_c s$ га teng. (Бу ерда “минус” ишора, кучнинг силжиш йўналишига қарама-қарши эканлигини ва тезлик вектори билан 180° бурчак ҳосил қилишини кўрсатади яъни, $\cos 180^\circ = -1$). Юкнинг 1 ҳолатдаги механик энергияси;

$$W_1 = \frac{mv_0^2}{2} + mg(h+s) \quad (3-1-7-2)$$

11-ҳолатда танланган сатҳга нисбатан, кинетик ҳамда потенциал энергиялар нолга teng. Иш ва тўла энергия учун олинган ифодаларни дастлабки тенгламага қўямиз.

$$-F_c s = -\frac{mv_0^2}{2} - mg(h+s) \quad (3-1-7-3)$$


Бу ифодадан F_s ни аниқлаймиз

$$F_s = \frac{m}{s} \left[\frac{v_0^2}{2} + g(h+s) \right]; \quad (3-1-7-4)$$

$$F_s \approx 12 \text{ kN.}$$

3.1.8. масала. Оғир шарча қия нов бўйлаб ишқаланишсиз R - радиусли “ўлик ҳалқа” ҳосил қилган ҳолда сирпаниб ҳаракатланади. Шарча

траекториянинг энг юқори нуқтасида ҳалқадан ажралиб чиқмаслиги учун, унинг ҳаракати қандай баландликдан бошланиши керак?.(3.2.5-расм.)



3.1.5.-расм.

Ечиш.

Бу масала моддий нуқтанинг айлана бўйлаб ўзгарувчан ҳаракати бўйича бўлиб, ҳаракат жараёнида нуқтанинг баландлик ҳолати ўзгариб боради. Бу масала эгри чизиқли ҳаракат тўғрисидаги масалаларнинг иккинчи гуруҳига киради ва бу типдаги масалаларни ечишда энергиянинг сақланиш қонуни ҳамда ҳаракат траекториясига ўтказилган нормалга нисбатан проекциялар бўйича ёзилган Ньютоннинг 2- қонунидан фойдаланилади.

Энергиянинг сақланиш қонунини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (3-1-8-1)$$

Шарчанинг биринчи ҳолати сифатида ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси, иккинчи ҳолати сифатида траекториянинг юқори нуқтасини оламиз. Баландликнинг саноқ сатҳи сифатида стол сирти танланади.

Шарчанинг ҳаракати давомида унга иккита куч таъсир қиласи: $m\vec{g}$ -оғирлик кучи, тагликнинг нормаль реакция кучи \vec{N} .

Оғирлик кучининг бажарган иши потенциал энергиянинг ўзгариши билан аниқланади. Реакция кучи \vec{N} иш бажармайди, чунки у кўчиш йўналишига перпендикуляр, яъни $\cos \alpha = 0$, демак $A = 0$.

Шарчанинг биринчи ва иккинчи ҳолатлари учун механик энергиянинг сақланиш қонуни қуйидагича ифодаланади.

$$W_1 = mgh \quad (3-1-8-2)$$

$$W_2 = \frac{mv^2}{2} + mg2R \quad (3-1-8-3)$$

Иш ва энергия ифодаларини дастлабки тенгламага қўямиз.

$$0 = \frac{mv^2}{2} + 2mgR - mgh \quad (3-1-8-4)$$

Бундан:

$$v^2 + 4gR - 2gh = 0 \quad (3-1-8-5)$$

Ҳалқанинг энг юқори нуқтасида шарчага умумий ҳолда иккита куч $m\vec{g}$ ва \vec{N} таъсир қилади, Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан

$$N + mg = \frac{mv^2}{R} \quad (3-1-8-6)$$

Шарча катта баландлиқдан тушаётганда шундай тезлик оладики, ҳалқанинг ҳар бир нуқтасида, ҳар ҳил нуқталарда ҳар ҳил бўлган, қандайдир \vec{N} куч билан тагликга босим беради.

Ньютоннинг учинчи қонуни бўйича таглик шарикга модули шундай бўлган куч билан қарама қарши томонга таъсир қилади ва уни айлананинг R радиусли ёйи бўйлаб итарири.

Шарчани ҳаракатининг бошланғич баландлиги камайиб бориши билан унинг ҳалқанинг юқори нуқтасидаги тезлиги камайиб боради ва тезликнинг қандайдир қийматида шарча ҳалқанинг юқори нуқтасидан тагликга тегмасдан учиб ўтади.

Бундай чегаравий ҳолда $N = 0$ ва Ньютоннинг иккинчи қонуни тенгламаси қуйидаги кўринишни олади.

$$mg = \frac{mv^2}{R}, \text{ ундан } gR = v^2 \quad (3-1-8-7)$$

Худди шундай натижа тенгламанинг таҳлилидан ҳам келиб чиқади.

Радиус R -нинг берилган қийматларида \vec{N} кучнинг модули тезлик камайиб бориши билан то нолга тушгунча камайиб боради.

Бу шарчанинг “ ўлик ҳалқа” ни ҳосил қилувчи минимал баландлигига мос келади. Тенгламаларни h -га нисбатан биргаликда ечиб, қуидагини ифодани оламиз

$$h = 2,5R$$

3.1.9. масала. m -массали юк l узунликдаги ипга осилган. Ипни вертикаль (тик) ҳолатдан α_0 бурчакга оғдириб, қўйиб юборилди.

- а) Юкнинг ҳаракати давомида таранглик кучи қандай қонун бўйича ўзгаради?.
- б) Агар ип модул бўйича $2mg$ га teng таранглик кучига бардош берадиган бўлса, ип кейинги тебранишларда узилмаслиги учун уни қандай максимал бурчакгача оғдириш мумкин ?. (3.1.6. –расм).

Ечиш.

Масалада юкнинг айлананинг ёйи бўйлаб нотекис ҳаракати давомида системанинг икки ҳолати қаралади.

Масалани ечиш учун энергиянинг сақланиш қонуни ва Ньютоннинг иккинчи қонуни тенгламаларини радиус йўналишига проекцияларда тузиш керак.


- а) Чизмада юкнинг биринчи ҳолати сифатида бошланғич α_0 оғиши бурчаги билан белгиланувчи ҳолатни, иккинчи ҳолати сифатида ихтиёрий α бурчак билан характерланувчи ҳолатни белгилаймиз.

Энергиянинг сақланиш қонунини ёзамиш.

$$A = W_2 - W_1 \quad (3-1-9-1)$$

Потенциал энергиянинг саноқ боши сифатида юкнинг ихтиёрий ҳолатини, яъни ОО сатҳни қабул қиласиз. Иккинчи ҳолатда h – баландликни ва \vec{v} тезликни белгилаб оламиз. Юкнинг ҳаракати давомида унга \vec{T}

таранглик кучи ва $m\vec{g}$ оғирлик кучи таъсир қилади



3.1.6. –расм.

Ҳаракат давомида таранглик кучи ҳамма нүқталарда тезлик векторига перпендикуляр (90° бурчак остида) йўналган, шу сабабли юкнинг I ҳолатдан II ҳолатга кўчишида бу кучнинг бажарган иши нолга teng бўлади. $A = 0$

Қаралаётган ҳолатларда тўла энергия мос равишда қўйидагиларга teng.

$$W_1 = mgh \quad \text{ва} \quad W_2 = \frac{mv^2}{2} \quad (3-1-9-2)$$

Чунки биринчи ҳолатда юкнинг тезлиги, иккинчи ҳолатда эса юкнинг ОО сатҳдаги баландлиги нолга teng. Иш ва тўлиқ энергиянинг ифодаларини дастлабки формулага қўйиб, қўйидаги ифодани оламиз.

$$\frac{mv^2}{2} - mgh = 0, \quad \text{бундан} \quad v^2 = 2gh \quad (3-1-9-3)$$

Ип вертикал билан α бурчак ҳосил қилган вақт моментида юкга $m\vec{g}$ -оғирлик кучи ва \vec{T} -таранглик кучи таъсир қилади. Бу кучларнинг таъсирида юк айлананинг ёйи бўйлаб, нормал a_n ва уринма a_k тезланишларга эга бўлган ҳолда ҳаракатланади.

$m\vec{g}$ - векторни радиус ва уринма йўналишларида проекциялаймиз. 3.2.7-расмдан мос проекцияларнинг қўйидагиларга тенглигини аниқлаймиз.

$$F_1 = mg \sin \alpha$$

$$F_2 = mg \cos \alpha \quad (3-1-9-4)$$

Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан:

$$mg \sin \alpha = ma_k, \text{ бундан } a_k = g \sin \alpha \quad (3-1-9-5)$$

$T > F_2$ бўлганда, яъни юк бошланғич ҳолатдан юқорига оғдирилганда, Ньютоннинг иккинчи қонунини траекторияга ўтказилган нормалга проекцияларига нисбатан ёзсак қўйидаги кўринишни олади:

$$T - mg \cos \alpha = \frac{mv^2}{l} \quad (3-1-9-6)$$

Бу ерда l – ипнинг узунлиги,

Таранглик кучини, α бурчакнинг функцияси сифатида, яъни $T(\alpha)$ кўринишида аниқлаш учун тенгламалар етарли эмас. Тенгламалар етарли бўлиши учун, яна h, l, α_0, α нинг боғланиш тенгламаси топилади.

$$h = l(\cos \alpha - \cos \alpha_0) \quad (3-1-9-7)$$

(3-1-9-3), (3-1-9-6), (3-1-9-7) тенгламалар учта номаълум катталикларга эга : T, v, h . Тенгламаларни қидирилаётган тортишиш кучига нисбатан ечиб, масаладаги биринчи саволга жавоб оламиз, яъни ипнинг таранглик кучининг α -бурчак билан аниқланувчи ҳолатга боғланишини аниқлаймиз.

$$T = mg(1 + 2\cos \alpha - 2\cos \alpha_0) \quad (3-1-9-8)$$

Олинган натажани таҳлил қиласиз:

1) $\alpha = 0$, яъни траекториянинг пастки нуқтасида (ипнинг вертикаль ҳолатида) таранглик кучи максимал қийматга эга бўлади.

$$T_{\max} = mg(3 - 2\cos \alpha_0) \quad (3-1-9-9)$$

3) Агар бошланғич ҳолатда ип горизонтал ҳолатда, яъни $\alpha_0 = 90^\circ$ бўлса таранглик кучи қўйидаги қонун бўйича ўзгаради.

$$T = mg(1 + 2\cos \alpha), \quad (3-1-9-10)$$

Бу ифода $\alpha = 0$ да максимал қийматга $T_{\max} = 3mg$ га эришади.

Таранглик кучининг максимал қиймати, яъни $T_{\max} = 2mg$ бўлган ҳолатдаги оғиш бурчагининг энг катта қиймати (3-1-9-3) тенгламадан топилади.

Ип максимал тарангликга вертикал ҳолатда эришганлиги учун, тенгламаларда $\alpha = 0$ ва $T_{\max} = 2mg$ деб олсак, қуидагини аниқлаймиз.

$$v^2 = 2gh, \text{ ва } 2mg - mg = \frac{mv^2}{l},$$

$$h = l(1 - \cos \alpha_0) \quad (3-1-9-11)$$

Тенгламаларни α_0 га нисбатан биргалиқда ечиб, $\boxed{\quad}$; $\alpha_0 = 60^\circ$ эканлигини аниқлаймиз. Шундай қилиб, ипни горизонталь ҳолатдан оғдирилганда $T_{\max} = 3mg$, $\alpha_0 = 60^\circ$ бурчакга оғдирилганда $T_{\max} = 2mg$ га тенг бўлар экан.


3.1.10. масала. Елқаларининг узунлиги l_1 ва l_2 бўлган енгил ричаг горизонтал ўқ атрофида айлантирилмоқда. Ричагнинг учларига массалари мос равища m_1 ва m_2 бўлган юклар махкамланган. Ўз-ўзига қўйиб берилган ричаг горизонтал ҳолатдан вертикал ҳолатга ўтади. Энг пастки нуқтада иккинчи юк қандай тезликга эга бўлади? (3.1.7. –расм.)

Ечиш.

Масалада моддий нуқталарнинг ўзгарувчан ҳаракати қаралмоқда. Масалани энергиянинг сақланиш қонуни асосида ечиш керак. Биринчи ҳолат сифатида ричагнинг горизонтал ҳолатини, иккинчи ҳолат сифатида унинг верикалдан ўтиш ҳолатини қабул қиласиз. Энергиянинг сақланиш қонуни тенгламасини ёзамиз.

$$A = W_2 - W_1 \quad (3-1-10-1)$$

Юкларнинг потенциал энергиясини пастки ОО сатҳдан бошлаб ҳисоблаймиз.



3.1.7. –расм

Ҳаракатланаётган юкли ричагга фақат ўқ томондан ташқи кучлар таъсир қиласи. Агар ишқаланиши эътиборга олмасак, бу кучларнинг бажарган иши $A = 0$ ва шунинг учун юкларнинг тўла энергияси ўзгармайди.

Ричагнинг массаси етарлича кичик бўлганлигидан, система горизонтал ҳолатда биринчи ва иккинчи юкларнинг потенциал энергиялари йиғиндисига тенг бўлган механик энергияга эга бўлади. (Бу ҳолатда юкларнинг кинетик энергиялари нолга тенг).

$$W_1 = m_1 g l_2 + m_2 g l_2 \quad (3-1-10-2)$$

Вертикал ҳолатда системанинг механик энергияси қўйидагига тенг.

$$W_2 = \frac{m_1 v_1^2}{2} + m_1 g(l_1 + l_2) + \frac{m_2 v_2^2}{2} \quad (3-1-10-3)$$

Бу ерда v_1 ва v_2 мос равишда биринчи ва иккинчи юкнинг тезлиги.

Олинган ифодаларни дастлабки тўла энергия формуласига қўямиз ва ташқи кучларнинг иш бажармаслигини эътиборга оламиз.

$$\frac{m_1 v_1^2}{2} + m_1 g(l_1 + l_2) + \frac{m_2 v_2^2}{2} - (m_1 + m_2) g l_2 = 0 \quad (3-1-10-4)$$

Бу tenglamada ikkita nomalum kattaliklar, yani yuqlarning tezliklari qatnashmoqda. Ikkinchi etishmaётgan tenglamani, char bir karalaётgan vaqt momentida richegning hamma nuktalariida ailani sh radiuslarinинг bir xil burchak tezlikga egaligidan aniqlaymiz., shu sababli II ҳолатда burchak tezlik

$$\omega_2 = \frac{v}{l_1} = \frac{v_2}{l_2} \quad (3-1-10-5)$$


Тенгламалардан v_1 ни йўқотиб қуидагини аниқлаймиз.

$$v_2 = l_2 \sqrt{\frac{2(m_2 l_2 - m_1 l_1)g}{m_2 l_2^2 + m_1 l_1^2}} \quad (3-1-10-6)$$

Баландликни ҳисоблашдаги саноқ бошини жисмларнинг энг пастки ҳолати бўйича танлаш учкалик ҳам шарт эмас, лекин масалада шундай олинди.

3.1.11. масала. \vec{v}_1 тезлик билан учаётган M массали космик кема \vec{v}_2 тезлик билан учаётган m массали метеороид билан тўқнашади. Метеороид космик кеманинг пешона (олд) қисмига кеманинг бўйлама ўқига нисбатан α бурчак билан урилади. Урилишни абсолют эластик тўқнашиш деб ҳисоблаб, метеороид ва космик кема қопламаси орасидаги ишқаланишни эътиборга олмасдан, космик кеманинг тўқнашишдан кейинги тезлигини аниқланг. (3.1.8. –расм).

Ечиш.



3.1.8. –расм.

Абсолют эластик тўқнашишда –механик энергия энергиянинг бошқа турларига айланмайди, системанинг тўла энергияси ўзгармасдан қолади.

Эластик тўқнашиш учун энергиянинг сақланиш қонуни қуидаги кўринишни олади.

$$W_1 = W_2 \quad (3-1-11-1)$$

Бу ерда W_1 ва W_2 - жисмлар системасининг мос равища тўқнашишгача ва тўқнашишдан кейинги тўла механик энергияси.

Идеал силлиқ жисмларнинг масса марказлари чизиги бўйлаб абсолют эластик тўқнашишининг ўзаро таъсир механизмини қуидагича тасаввур қилиш мумкин.

Жисмларнинг бир-бирига тегиш пайтида ва яна ўзаро яқинлашишида эластиклек кучлари ҳосил бўлиб, таъсирлашаётган жисмларнинг тезликлари ўзаро тенглашгунча, ортиб боради.

Бу вақт моментида деформация ва жисмларнинг потенциал энергияси энг катта қийматига, кинетик энергия эса минимал қийматига эришади, жисмлар бир ҳил тезлик билан ҳаракатлана бошлайди.

Сўнгра жисмларнинг шакли қайта тиклана бошлайди, эластиклек кучлари эса жисмларни бир-биридан ажralгунча итара бошлайди. Деформация потенциал энергияси тўла кинетик энергияга айланади.

Натижада кинетик энергия ўзаро тўқнашаётган жисмлар орасида қайта тақсимланади, уларнинг йигинди қиймати эса ўзгармайди.

Агар тўқнашиш моментида жисмларнинг тезликлари уларнинг масса марказларидан ўтувчи чизиқга нисбатан α бурчак остида йўналган бўлса, тўқнашиш жараёнида нафақат жисмлар деформацияси ва уларнинг марказларининг ўзаро яқинлашиши, ҳатто бир жисмнинг сирти бўйлаб иккинчисининг сирпаниб ўтиши ҳам юз беради.

Жисмларнинг бир –бирига тегиб ўтиш сиртига ўтказилган нормал бўйича йўналган кучлардан ташқари, таъсирини аниқлаш жуда мураккаб бўлган, сирпаниш ишқаланиш кучлари ҳам таъсир этади.

Жисмлар етарлича силлиқ ва ишқаланиш кучлари нормал бўйича йўналган эластик таъсир кучларидан жуда кўп марта кичик бўлса, тўқнашиш тўғрисидаги масала нисбатан осон ечилади ва масала марказий тўқнашиш тўғрисидаги масалага келтирилади. Ишқаланиш бўлмаганлиги учун марказларни туташтирувчи чизиқга перпендикуляр йўналган куч импульси

нолга тенг ва тезлик векторларининг шу йўналишдаги проекциялари ўзгармайди.

Эластик тўқнашишга оид масалалар энергия ва импульснинг сақланиш қонунлари ёрдамида ечилади Одатда бундай масалаларда жисмларнинг тўқнашишгача тезликлари берилади ва уларнинг тўқнашишдан кейинги тезликларини топиш сўралади.

Масалада икки жисмли яккаланган системанинг иккита ҳолати қаралади: биринчиси-тўқнашишгача ва иккинчиси тўқнашишдан сўнг.

Космик кема ва метеороиднинг тўқнашишгача ва тўқнашишдан кейинги тезликларини мос равища $\vec{v}_1, \vec{v}_2, \vec{u}_1, \vec{u}_2$ бўлсин ва тўқнашишдан сўнг космик кема аввалги йўналишида ҳаракатлансин.

Тўқнашиш моментида жисмларнинг импульси бир-бирига нисбатан α бурчак остида йўналганлигидан , масалани ечишни соддалаштириш мақсадида уларни марказларни туташтирувчи чизиқга (OX ўқи), шу чизиқга нормаль йўналишларига проекциялаймиз.

Космик кема ва метеороиднинг импульсларининг шу ўқларга проекциялари қўйидагиларга тенг.

Тўқнашишгача: $Mv_1, \boxed{}, m v_2 \sin \alpha$

Тўқнашишдан сўнг: $Mu_1, m u_2 \cos \beta, m u_2 \sin \beta$

Бу ерда β -метероиднинг сочилиш (аксланиш) бурчаги.

Космик кема- метеороид системаси яккаланган система бўлганлигидан, Ox ўқи бўйича импульснинг сақланиш қонуни тенгламаси

$$Mv_1 - mv_2 \cos \alpha = Mu_1 + mu_2 \cos \beta \quad (3-1-11-2)$$

Космик кеманинг қопламалари идеал силлиқ бўлганлигидан импульсларнинг Oy ўқига проекциялари учун қўйидаги тенгламани ёзамиш.

$$m v_2 \sin \alpha = m u_2 \sin \beta \quad (3-1-11-3)$$

Космик кема ва метеороиднинг тўқнашиши абсолют эластик бўлгани учун ва ташқи кучлар таъсир қилмаганлигидан энергиянинг сақланиш қонунига асосан қўйидагини ёзамиш:

$$Mv_1^2 + mv_2^2 = Mu_1^2 + mu_2^2 \quad (3-1-11-4)$$

Импульснинг сақланиш қонунидан фарқли равища умумий ҳолда, энергиянинг сақланиш қонуни тенгламаси ўқлар бўйича сақланмайди

Берилган масалада марказларни туташтирувчи ўқ, Ox ўқи бўйлаб тенглама қўйидагича бўлади.

$$Mv_1^2 + mv_2^2 \cos^2 \alpha = Mu_1^2 + mu_2^2 \cos^2 \beta \quad (3-1-11-5)$$

Тенгламалардан космик кеманинг тўқнашишдан кейинги тезлигини аниқлаш учун алмаштиришлар ўтказиш ва бир ҳил массали ҳадларни группалаш керак.

$$M(v_1 - u_1) = m(u_2 \cos \beta + v_2 \cos \alpha), \quad (3-1-11-6)$$

$$M(v_1^2 - u_1^2) = m(u_2^2 \cos^2 \beta - v_2^2 \cos^2 \alpha) \quad (3-1-11-7)$$

Космик кеманинг тўқнашишдан кейинги тезлигини топиш учун алмаштиришлар ўтказамиз ва қўйидагини оламиз.

$$v_1 + u_1 = u_2 \cos \beta - v_2 \cos \alpha \quad (3-1-11-8)$$

Натижада биз иккита (3-10-6) ва (3-10-8) тенгламаларни олдик, улардан жисмларнинг тўқнашишдан кейинги тезликларини топиш осон. Алмаштиришлар ўтказиш йўли билан космик кеманинг тўқнашишдан кейинги тезлигини топамиз.

$$u_1 = \frac{(M-m)v_1 - 2mv_2 \cos \alpha}{M+m} \quad (3-1-11-9)$$

Худди шундай метеороид тезлик векторининг Ox ўқига проекцияси учун қўйидагини аниқлаймиз.

$$u_{2x} = u_2 \cos \beta = \frac{(M-m)v_2 \cos \alpha + 2Mv_1}{M+m} \quad (3-1-11-10)$$

(3-10-3) тенгламадан метеороид тезлик векторининг Oy ўқига проекцияси учун қўйидагини аниқлаймиз.

$$u_{2y} = v_2 \sin \alpha \quad (3-1-11-11)$$

(3-10-10) ва (3-10-11) ларни билган ҳолда \vec{u}_2 тезликнинг модулини топамиз.

$$\vec{u}_2 = \sqrt{u_{2x}^2 + u_{2y}^2} \quad (3-1-11-12)$$

(3-10-2), (3-10-3) ва (3-10-5) тенгламалар асосида тўқнашишдан кейин метеороид тезлик векторининг йўналишини ҳам аниқлашимиз мумкин.

$$tg\beta = \frac{u_{2y}}{u_{2x}} = \frac{(M+m)v_1 \sin \alpha}{2Mv_1 + (M-m)v_2 \cos \alpha} \quad (3-1-11-13)$$

Демак масалани тўла ечишга муваффақ бўлдик.

Академик лицейларда ўқувчиларга механика бўлимидаги энергиянинг сақланиш қонунига оид ҳар ҳил мураккаблиқдаги масалаларни, батафсил таҳлил асосида, ечишни ўргатиш биринчидан, табиатнинг фундаментал қонуни ҳисобланган энергиянинг сақланиш қонуни моҳиятини тўғри англашга ва улардан фойдаланиб масалалар ечишга ўргатади, иккинчидан сақланиш қонунларининг динамик масалаларни ечишда альтернатив усуллардан бири эканлигини тўлиқ англашга имкон беради.

3.2. Академик лицейларда физика фанини ўқитишида муаммоли амалий ўқув машғулоти бўйича дарс ишланмаси.

Биз қуйида академик лицейларда физика фанини ўқитишида муаммоли амалий ўқув машғулоти бўйича дарс ишланмаси вариантини келтирамиз: [12-14]

Ўқув машғулоти мавзуси: "Механика бўлимидаги динамик масалаларни энергиянинг сақланиш қонунини тадбиқ этган ҳолда ечиш". Ажратилган вақт - 2 соат.

Ўқув машғулотида қўйилган мақсадлар:

Таълимий мақсад: Ўқувчиларга механика бўлимидаги энергиянинг сақланиш қонунини динамик масалаларни ечишга тадбиқ этишни ўргатиш, бу усулнинг ижобий жиҳатларини таҳлил этиш, масала ечиш бўйича зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларга кўргазмали таълим бериш воситалари асосида берилган билим бериш ва ундан тегишли хulosалар чиқариш, ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш, билим ва кўникмаларни эгаллашга нисбатан масъулиятни шакллантиришни ўргатиш.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда мустакил фикрлаш, масалаларнинг моҳиятини тез англаб олиш, тўғри хулоса чиқариш, энергиянинг сақланиши қонунига оид назарий билимларни амалий ўқув машғулотларида динамик масалаларни ечишга тўғри кўллаш бўйича қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш

Ўқув машғулоти тури: Амалий (масала ечиш), масала ечиш машғулотини микро гурухларда ва иқтидорли ўқувчилар учун якка холда масала ишлаш усулида ўтказиш.

Ўқув машғулотини ўтказиш жойи: физика фани бўйича ўқув кабинети.

Ўқув машғулотида фойдаланиладиган жиҳозлар ва ахборот технологиялари воситалари: компьютерлар, видеопроектор, мавзу материаллари асосида тайёрланган масалалардан топшириклар, тарқатма материаллар ва слайдлар ҳамда доска.

Ўқув машғулотини ташкил этиш кетлиги:

1-этап. Ташкилий қисм (Амалий ўқув машғулотига тайёргарлик)

Қуйидаги ташкилий тадбирлар ўтказилади. Амалий (масала ечиш) машғулотини ташкил қилиш, машғулотни ўтиш жойини яъни, ўқув кабинетини ҳолатини аниқлаш, ўқув кабинетининг амалий машғулотни ўтказиш учун тайёргарлигини ўрганиш, ўқув жиҳозларининг ҳолатини текшириб қўриш, мавзуга оид масалалар, тарқатма материаллар, слайдлар тайёрлаш ва амалий ўқув машғулотининг вақти ва давом этишини белгилаш.

Ўқув машғулотига кириш: 5 -7 дақиқа.

Гуруҳдаги ўқувчиларнинг давоматини аниқлаш. Ўқувчиларни амалий ўқув машғулотнинг мақсади, режаси, ўқувчиларни машғулот жараёнида эришиши мумкин бўлган (кутилаётган) кафолатланган ўқув натижалари билан таништириш. Ўқув машғулотнинг муаммоли амалий машғулот шаклида ўтказилишини эълон килиш.

2-босқич: Асосий қисм - 60 дақиқа.

2.1.Амалий машғулот режаси:

- 1.** Ўқувчиларни механикада энергиянинг сақланиш қонуни моҳияти билан таништириш.
- 2.** Кинетик ва потенциал энергия ҳамда энергиянинг сақланиш қонуни мавзуси бўйича назарий материалларни қисқача такрорлаш ва тушунтириш.
- 3.** Ўқувчиларга энергиянинг сақланиш қонунига оид ҳар ҳил мураккабликдаги масалаларни ечишни ўргатиш.

2.2. Ўқув машғулотнинг бориши: Дарснинг бошланишида ўқитувчи сухбат шаклида ўқувчиларнинг сақланиш қонунлари, ҳар ҳил механик системалар учун сақланиш қонунларини таърифлаш бўйича билимларини фаоллаштиради. Билимларни фаоллаштириш жараёнида масала шаклида қўйилаётган ўқув муаммосини ҳал этиш бўйича ўқувчиларнинг ижодий-изланувчанлик йўналишида фаол қатнашиши учун зарур бўлган ва ўқувчилар томонидан шу машғулоттагача ўзлаштирилган дастлабки билимларнинг қанчалик даражада етарли эканлигини йўналтирувчи саволлар бериш орқали аниклади ва ўқув машғулотида ечиладиган масалаларни ўқувчиларга тақдим этади: Гуруҳдаги ўқувчиларни 4-6 нафардан микрогурухларга ажратади ва ҳар бир микрогурух таркибида камида 1-2 нафардан яхши ўзлаштирувчи ва иқтидорли ўқувчилар бўлишига эътиборни қаратади. Дастреб ўқитувчи масалани умумий ҳолда беради ва уни содда масалаларга ажратишида қандай физикавий факторларга эътибор қилиш зарурлигини тушунтиради. Ўқувчиларга масала ечиш жараёнининг микрогурухларда амалга ошириш жараёни, берилган масалани ечиш учун ажратилган вақт, масала ечиш натижаларини баҳолаш тартибини маҳсус тайёрланган слайдлар ёрдамида тушунтиради. Механика бўлимининг динамика қисмидан ўқув машғулотида ечиладиган масалани тушунтиришдан аввал динамика қонунлари, жисмларга таъсир қиласиган кучлар ва динамика тенгламаларини бир нечта ҳоллар учун ёзилишини ва ечиш усусларини тайёрланган слайдлар асосида қисқача тушунтиради. Ўқитувчи слайдда ечиладиган масала шартини намойиш қилиб унинг мазмунини ўқиб беради.

Асосий натижалар ва хulosалар.

1. Битирув малакавий ишда муаллиф томонидан академик лицейларнинг физика курсининг механика бўлимида энергиянинг сақланиш қонуни, уларга оид масалалар ечиш методикаси, умуман физика курсидан масалалар ечиш методикаси адабиётлар асосида таҳлил этилди, масалалар ечиш усулларининг таҳлили натижасида ушбу методиканинг ўзига ҳос жиҳатлари ўрганилди ҳамда иқтидорли ўқувчиларга энергиянинг сақланиш қонунига оид масалаларни ушбу методика асосида ечишни ўргатиш яхши самара бериши таъкидланди..
2. Битирув малакавий ишда анъанавий ўқитиш методикаси асосида масалалар ечиш дарсларини ўтиш методикаси таҳлил этилиб, ютуқ ва камчиликлар кўрсатилган.
3. Физика дарсларида ва иқтидорли ўқувчиларни амалий, масала ечишга мустақил ўргатиш жараёнида замонавий педагогик технологияларга асосланган ўқитиш услубларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим савијасини орттириши, уларнинг физика фанини чуқурроқ тушинишларига ёрдам бериши ҳамда ўқувчиларни мустақил масала ечишга нисбатан қизиқишлирини орттириши тўғрисидаги хulosалар олинди.
4. Битирув малакавий ишнинг биринчи бобида қўшимча адабиётлар асосида физикавий масалаларни ечишнинг умумий қонуниятлари тўғрисда атрофлича маълумот берилган ва материаллар академик лицейларда механика бўлимидан тавсия этилган дарслик ва қўлланмаларда энергиянинг сақланиш қонунининг ёритилиши билан солиширилган. Дарслик ва қўлланмалардаги дан ташқари бу қўшимча маълумотларнинг ўқувчиларга, айниқса иқтидорли ўқувчиларга ўргатилиши ва бу жараёнга замонавий педагогик технологияларни тадбиқи уларнинг масала ечиш методларини яхши ўзлаштиришлари учун катта таъсир кўрсатади.

5. Механика бўлимидан амалий машғулотларда замонавий педагогик технологияларга асосланган интерфаол усулларни қўллаш ўқувчиларга назарий ва амалий материалларни таҳлил этиш ва шу асосда масалалар ечишга ўргатишида, иқтидорли ўқувчиларни шахсга йўналтирилган усул асосида ўқитишида яхши натижалар бериши асосланди.
6. Механика бўлимида динамика масалаларини энергиянинг сақланиш қонунини тадбиқ этиш орқали ишлаш бўйича ва масалалар ечиш бўйича дарсларини ташкил этишга оид методик тавсиялар берилган ва бу методик тавсиялардан ёш ўқитувчиларнинг фойдаланиши натижасида яхши методик ютуқларга эришиши мумкинлига таъкидлаб ўтилган.
7. Академик лицейларда физика курсининг механика бўлимида ўқувчиларни динамика масалаларини энергиянинг сақланиш қонуни асосида ечиш ва ўқувчиларни хар ҳил мураккабликдаги масалаларни ечишга ўргатиш уларда физик жараёнларнинг моҳиятини тўғри англашга, уларда масалалар ечишини ўрганиш физик қонуниятларни чукур тушунишнинг асосий ва ноёб усули эканлигига ишонч уйғотиши мумкинлиги асосланди.
8. Механика бўлимида ўқувчиларни динамика масалаларини энергиянинг сақланиш қонуни асосида ечишга ўргатиш орқали ўқувчиларда фаоллик, мустақил фикрлаш, ҳамкорликда ишлаш кўникмалари ва малакаларини кучайтириш мумкинлиги асосланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Фаниев А.Г.,Абдикулов А.К.,Алимардонова Г.А. – Физика (1-қисм) (АЛ ва КҲҚлар учун дарслик) –Т.2010 й.
2. Фаниев А.Г.,Абдикулов А.К.,Алимардонова Г.А. – Физика (2-қисм) (АЛ ва КҲҚлар учун дарслик) –Т.2010 й.
3. Турсунметов К.А. ва бошқ. Физикадан масалалар тўплами – Т.2003.52 б.
4. Римкевич А.П. Физикадан масалалар тўплами – Т. 2001. 3-76 б.
5. Академик лицейларнинг аниқ фанлар йўналишидаги тармоқ таълим стандарти ва чуқурлаштирилган фанлар ўқув дастурлари –Т.2005.5-36 б.
6. Академик лицейлар учун физика фанидан ўқув дастури – Т. 2008. 3-10
7. Беликов Б.С., Решение задач по физике. Общие методы – М.1989.15-36 с.
8. В.А.Балаш.Задачи по физике и методы их решения – М:«Пресв»,1983,486 с.
9. Дерябин В.М. Законы сохранения в физике. М.: Пресв., 1982.-128с
10. Нўмонходжаев А.С ва бошқалар. Физика (1 қисм). – Т. 2002, 30-186 б.
11. Нўмонходжаев А.С ва бошқалар. Физика (3 қисм). – Т. 2001, 36-41б.
11. Мирзаахмедов Б., Мамадияров Н. Физика ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи, 2007й.
12. Толипов Ў., Усмонбоев М. – Педагогик технологияларнинг татбиқий масалалари- Т. 2006, 142 б.
13. Йўлдошев Ж.Ғ.,Усмонов С.А.. Педагогик технология асослари –Т. Ўқитувчи ,2004.
14. Саматов Ғ.Б., Умумий физика курсининг механика бўлимидан масалалар тўплами (ўқув-мет.кўл.) - Гулистон, 2014 й. 130 б.
15. А.Ғ, Фаниев.Физикадан масалалар ечиш,Т.2012, 400 б.
16. Саматов Ғ.Б. ва бошқалар. Замонавий таълим жараёнида ўқитувчи // “Халқ таълими” журнали, 2002, №2, 4-7 б.
17. Саматов Ғ.Б. Умумий физика курсининг механика бўлими динамика қисмиданталабалар мустақил ишлашига йўналтирилган масалалар ечиш методикаси. (метод. кўл.) Гулистон. 2011, 49 б.

18. Саматов Ф.Б ва бошқалар. Табиий ва техникавий фанларни ўқитиша замонавий педагогик технологияларни қўллаш услибиёти. //Республика илмий-амалий конф. Маъruzalар тўплами. – Қарши 2002. 36-39 б.
19. Методика решения задач по механики и молекулярной физики в лицеях физико- технического профиля. <http://www.dissercat.com/content/> 2011 г.
20. Методика решения нестандартных задач по механике и молекуляной физики. <http://www.ai08.org/index.php/term/>,2011г.
21. Методика преподавания законов сохранения импульса и энергии в курсе физики в академических лицеях, <http://www.bankreferatov.ru/db/> , 2014 г.
22. Беликов Б.С., Решение задач по физике.Общие методы .(нов.издание,с дополнениями.) win-web.ru › ... › ,2013 г.